



Козогистон соғликни сақлаш вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик соғликни сақлаш кўмитаси лабораторияларида текиширилган озик-овкат махсулотларининг деярли 20 фоизида чўчканинг ДНКси борлиги аниқланди. Бу ҳақда мамлакат бош санитар врачси Жандарбек Бекшин маълум қилди, дея хабар беради muftyat.kz.

“2018 йилнинг икки ойи давомида озик-овкат махсулотларининг 147 та намуналари текширувдан ўтказилди, 757 та тахлилий текширувлар бажарилди. Намуналарнинг 27 тасида (ёки 19%) махсулот маркировкасида кўрсатилмаган чўчка ДНКси борлиги аниқланди”, - деди у.

Бекшин кўшимча қилиб айтишича, лабораториялар нафақат чўчка, йирик шохли чорва, парранда ва отларнинг ДНКсини аниқлай олади, балки ит, мушук, буйвол, эчки, кўй каби хайвонларнинг унсурлари борлигини аниқловчи тест-тизимларга эга.

Кўмиладагиларнинг тушунтиришича, озик-овкат махсулотлари хавфсизлиги устидан назорат махсулот сотилиши босқичида унинг намунасини сотиб олиш йўли билан ўтказилади.